

## ЎЗБЕКИСТОНДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Марданов Панжи Уразович

**Аннотация:** Бюджетлаштириш стратегияларига кириш: Ан'анавий Бюджетлаштириши Ушбу стратегия, ўтган молиявий маълумотлар асосида деталланган бюджет яратиш ва келажакдаги харажатларни башорат қилишни ўз ичига олади. Нолга тенгланган Бюджетлаштириш Ҳар бир доллар маълум бир харажатга ажратиласди, ҳар ой бошидан бошлаб барча даромад ҳисобга олинганилигини таъминлаш учун. Конверт Тизими Нақд пул конвертларга ажратиласди, маҳсулотлар учун белгиланган, харажатларни назорат қилиши ва молиявий мақсадларни устувор қилишга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** Бюджетлаштириш стратегиялари, Зеро-даражали бюджетлаштириш, Реал вақтлик бюджет, Бюджет режалари эффектив коммуникацияси, Натижага ё'налтирилган бюджетлаштиришининг асосий жиҳати.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида амал қиласди. 1950 йилдан мазкур методологиянинг ривожланиши кейинчалик кўплаб мамлакатларда жорий этилишига олиб келди. Мазкур ислоҳотлар НЙБни жорий этган мамлакатларда турлича хусусият билан шаклланди. Хусусан, О.Тетерина ушбу методнинг жорий этилиши нуқтаи назаридан давлатларни учта гурухга ажратади:

- давлат секторининг чуқур ислоҳ этилиши (Австралия, Буюк Британия, Янги Зеландия);
- давлат молиясини бошқаришни қисман модернизация қилиш бўйича алоҳида дастурлар доирасида амалга оширилди. Бошқарувнинг фундаментал ўзгаришига таъсир этмасдан жорий этилди (Дания, Ирландия, Канада, АҚШ, Нидерландия, Финляндия, Франция ва Швеция);
- давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусларнинг чекланган доирасида амалга оширилди (Германия, Норвегия ва Швейцария).

НЙБни жорий этишнинг жорий ҳолати давлат молиясини бевосита ислоҳ этишини заруратини кўрсатмоқда. Хусусан, илғор хорижий тажрибалар сифатида АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия каби мамлакатлар ислоҳотларни амалга оширишларига фискал сиёсатдаги мураккабликлар сабаб бўлган. Умуман олганда, НЙБни жорий этишга сабаб сифатида – молиявий инқирозларнинг вужудга келиши, солиқ ставкаларининг ортиши, давлат хизматлари сифатининг пасайиши, бюджет харажатларининг ортиши

(дефицит) ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш каби кўрсаткичларнинг ортиб кетиши билан изоҳлаб бериш мумкин.

### 3.1-жадвал


#### НЙБни жорий этиш моделларининг камчилик ва афзалликлари

Модел номи	Камчиликлари	Афзалликлари
Вертикал ислоҳотлар	Натижаларга эришишнинг чегараланганилиги	Марказлашган ташаббуслар билан ислоҳотлар амалга ошади
	Марказлаштирилган тарзда чекловларнинг киритилиши самараасизликка олиб келади	Ислоҳотларда методологик ёндашув умумлаштирилганлиги
	Ахборот тўплашнинг мураккаблиги ва қимматлиги	Марказда қарорлар қабул қилиш учун ахборотнинг мавжудлиги
	Юқори органлар томонидан қўллаб-қувватлашнинг камлиги ташаббуснинг пасайишига олиб келади	Ислоҳотлар мониторинги ва мувофиқлаштириш жараённинг сезиларли имконияти
Горизонтал ислоҳотлар	Марказий қарор қабул қилишда қўйи органларнинг турли шароитларга эга бўлиши	Ислоҳотлар мослашувчанлиги
	Ислоҳотларни тайёрлашга узоқ мuddат ва ва юқори меҳнат сифими талаб этиши	Юқори органлар фикрлари ҳисобига ислоҳотларни режалаштириш имконияти
	Ислоҳотлар натижаларининг ўзаро номувофиқлиги ислоҳотлар мантиқийлигини таъминламайди	Ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун турли субъектларни жалб этиш
	Бошқарувнинг қўйи бўғинларида ташаббуснинг йўқлиги сабабли ислоҳотларнинг сустлиги	Ислоҳотлар амалга оширилишида эркинлик рағбатлантирилади

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

НЙБни татбиқ этиш бўйича юқорида келтирилган уч босқичга ажратган ҳолда, уни жорий этиш модел (вертикал ва горизонтал)ларининг афзалликлари ва камчиликларини қўриш мумкин (3.1-жадвалга қаранг).

НЙБни жорий этишда кенг ислоҳотларни амалга оширган мамлакатлардан бири – бу Буюк Британия ҳисобланади. Ушбу мамлакатда давлат молиясининг марказлашганлик даражаси сезиларли бўлиб, 2/3 қисм солиқ тушумлари марказий бюджетга тўпланади. Мамлакатда бюджет (катта қисми соғлиқни сақлаш) харажатлари индикаторлари, давлат агентлиги ва хизматлари натижа индикаторлари тасдиқланган регламент ва стандартлар асосида амалга оширилади. Ҳар бир бюджет ташкилоти ёки юқори турувчи бюджет органларининг мамлакат стратегиясидан келиб чиқиб беш йилга мўлжалланган мақсадлар мажмуи шакллантирилади. Шундан келиб, бюджет уч ийллик истиқболни режалаштирган ҳолда амалга оширилади.



### 3.1-расм. Б.Британияда НЙБ индикаторлари тизими

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Буюк Британияда бюджет харажатлари натижадорлигини таъминлашда муассасалар фаолияти босқичларга ажратилган тарзда индикаторлар тизими ишлаб чиқилади. Хусусан, кириш (инпут), чиқиш (оутпут) ва (оутсомес) натижалар шаклида ишлаб чиқилади. Масалан, соғлиқни сақлаш тизими мисолида тушунтиришга харакат қиласиз. Кириш – ишчи кучи (тиббиёт ходимлари), активлар (тиббий жиҳозлар) ва информацион технологиялар, чиқиш – етказилган тиббий хизматлар ёки ўтказилган операциялар кабилар ва натижалар – ўртача умрнинг узайиши, саломатлик даражаси каби индикаторлар асосида ишлаб чиқилади (3.1-расмга қаранг).

Умуман олганда, Буюк Британияда ислоҳотлар 1998 йилдан бошлаб амалга оширила бошланди. 2004 йилда бюджет харажатларини амалга оширишни баҳолишига қаратилган ҳисботларда истиқболда эътибор берилиши лозим бўлган тамойиллар белгилаб олинди. Унга кўра, натижаларнинг олдингиларига нисбатан 10 фоизга ижобий томонга ўзгариши қоида тариқасида белгиланди. Шунингдек, З.Нумоннинг тадқиқотларида натижаларни акс эттириши лозим бўлган мақсадларни шакллантириш тамойиллари ҳам келтириб ўтилади. Хусусан, СМАРТ – таомили НЙБнинг асосий хусусиятларини ифода этишга хизмат қиласи ва биз уни мамлакатимизда қўллашда қўйидагича изоҳлашни таклиф этамиз:

- Спесифис – ихтисослашганлик – бюджет харажатларини йўналтиришнинг белгиланиши. Бунда аниқ мақсадга эришиш учун аниқ маблағларнинг мавжудлиги билан ифодаланаши;
- Меасурабле – ўлчовлилийк - бюджет харажатлари доирасида эришилиши белгиланган натижаларнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш мумкинлиги. Индикаторлар тизимининг мавжудлиги;

- Ачиевабле – ҳаққонийлик – белгиланган мақсаднинг эришиш мумкин бўлган миқёсда белгиланиши ва натижаларнинг ҳаётга яқинлигини белгилаш билан акс эттириш;
- Релевант – уйғунлик – оралиқ эришилган натижаларнинг навбатдаги мақсадларни шакллантиришга имкон бериши ва ўзаро мувофиқликда мақсад-натижалар кетма-кетлигини ишлаб чиқилиши;
- Тимед – натижаларга эришиш муддатининг белгиланиши. Харажатлар ва натижаларнинг амалга ошиш нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқлиги.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Брингҳам Э.Ф., Эхрҳардт М.С. Финансиал манагемент тҳеорий анд прастисе. Тҳомсон Соутҳ-Вестерн, 2008. 1107 п.
2. Ҳиллиер Д., Гринблатт М., Титман Ш. Финансиал Маркетс анд Сорпорате Стратегий. Лондон: McGraw-Ҳилл Ҳигҳер Эдусатион, 2012. 877 п.
3. Корсо Э. Инслусиве гроутиҳ аналийсис анд ҲРВ: А метҳодологисал ноте. 2011. Электрон манба: [ҳттп://ситетесурсес.ворлдбанк.орг](http://ситетесурсес.ворлдбанк.орг)
4. Ландесманн, Мичаел Алрой (2000): Структурал Чанге ин тҳе Транситион Эсономиес, 1989 то 1999. Тҳе Виенна Институте фор Интернационал Эсономис Студиес.
5. Модиглиани Ф., Миллер М. Тҳе Сост оғ Сапитал, Сорпорате Финансес, анд тҳе Тҳеорий оғ Инвестмент // Америсан Эсономис Ревиев, в. 48. (1958).
6. Модиглиани Ф., Миллер М. (1963) “Сорпорате Инсоме Тахес анд тҳе Сост оғ Сапитал: А Соррестион” Америсан Эсономис Ревиев, Вол. 53, Но. 3, pp. 147 – 175.
7. Петер Брусов, Татиана Филатова, Натали Ореҳова, Настиа Брусова. Weигҳтед авераге сост оғ сапитал ин тҳе тҳеорий оғ Модиглиани-Миллер, модифиед фор а фините лифетиме сомпаний // Апплиед Финансиал Эсономисс, в. 21, № 4.